O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 10-noyabr • Shanba • 138 (27.783) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда бу борадаги ислоҳотларнинг асосий босқичларидан бири ниҳоясига етмоқда. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этилиши бу босқичнинг энг муҳим ва конкрет натижаси бўлганини қайд этиш зарур».

Эл соғлиғи — жамиятнинг бебаҳо бойлиги

2

Бугун миллий тиббиётчиларимиз эришаётган ютуқлар жаҳон миқиёсида эътироф этилмоқда.

6 миллион долларга сотилди

3

Лондоннинг «Сотбис» кимошди савдо уйида XVIII асрга оид Хитой кўзаси қарийб уч миллион фунт стерлингга (олти миллион АҚШ долларига тенг) сотилди.

Ушоғини унутиб қўйдик...ми?

4

Аввалари ҳар бир ошхона, емакхонада «Нонни исроф қилманг!» деган ёзувлар бўларди. Бу шунчаки шиор эмасди.



Мустақиллик бунёдкорликлари

Тинчлик хиёбони қурилиши ниҳоясига етмоқда

Мамлакатимизда кейинги йилларда кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Шулардан бири — Наманган вилоят марказида шаҳарнинг бош майдони — Тинчлик хиёбонида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Замонавий меъморчилик анъаналари моҳирлик билан қўлланган ҳолда бунёд этилган мазкур иншоот марказида эзгу мақсадларимиз тимсоли — кўкка парвоз қилаётган жуфт турнани кўтариб турган маҳобатли устун ўрин олган. Атрофдаги дов-дарахтлар, яшилликка чулғанган йўлкалар хиёбонга яхлит бир уйғунлик бағишлайди.

Иншоотни бунёд этишда бош пудратчи — Наманган 3-қурилиш-таъмирлаш шўъба корхонаси ва ўнга яқин пудратчи корхоналар жонбозлик кўрсатмоқда.

Суратларда: Тинчлик хиёбонидаги кўкка парвоз қилаётган жуфт турна кўриниши; бўлажак хиёбон шакл-шамойили кун сайин кўзга ташланиб боряпти; иш юритувчи Мажитхон Мамадалиев ва «Вилоятнур» АЖ етакчи мутахассиси Қодирхон Содиқов иш устида.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Марказий сайлов комиссияси

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов ҳақида Саволингиз борми?

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловчилар билан учрашувларни қачон бошлайди?

Паризод Абдуллажонова, Риштон тумани.»

Ушбу саволга Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Шавкат Асадов жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотини Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошлайди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда номзодларнинг сайловчилар билан учрашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бевосита сайловчилар билан учрашувлар ҳам ана шу тарғибот-ташвиқот даврида ўтказилади. Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти, сайловчилар билан учрашувлар тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборотлар олишда кўмаклашишлари шарт. Сайлов куни эса ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Ўзбекистон Республикасида аҳоли соғлиғини сақлашга, ногиронликнинг олдини олишга ҳамда ногиронларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан буён изчил амалга ошириб келинмоқда. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши учун уларга Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш, ҳаёт ва фаолиятларидаги чекланганликни бартараф этиш, тўлақонли турмуш кечириш, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, шунингдек ўз фуқаролик бурчларини бажариш имконини берадиган қулай шароитлар яратиш мақсадида ногиронларга доир давлат сиёсатини белгилайди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий муҳофазани кучайтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса ногиронларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, «Меҳрибонлик уйлари» ҳамда жисмоний ва ақлий нуқсонли болаларнинг ихтисослашган мактаб-интернатлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2007 йил 17 сентябрдаги «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари давлатимиз раҳбари томонидан таърифланган вазифаларнинг бағоят долзарблиги ва аҳамиятини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 8 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, Жиззах вилоятининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ногиронларга «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ижтимоий ёрдам бериб келаётир. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоятда 29548 нафар ногирон ҳисобга олинган бўлиб, шуларнинг 5293 нафарини 16 ёшга тўлмаган болалар, 10202 нафарини болаликдан ногирон, 16 ёшдан ошганлар ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

Ҳужжатлар тақдим этилди

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24²- моддасига асосан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 2007 йил 9 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясига партия VI қурултойининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига А.Рустамовни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатларини, шунингдек, номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилган имзо варақаларини тақдим этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Янги маданият ўчоғи

Хонқа туман марказида тўрт юз эллик ўринли киноконцерт зали томошабинларга хизмат кўрсата бошлади

Шаҳарнинг аҳоли гавжум қисмида қурилган кинотеатр биноси ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Шу бино тубдан қайта таъмирланди, томоша зали ва бошқа хоналар замонавий услубда жиҳозланди. Томошабинлар тамадди қилиш, дам олиши учун шарт-шароит яратилди. Маданият соҳасига қаратилаётган эътибордан шаҳар аҳолиси хурсанд.

Рўзимбой ҲАСАН

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ҳуқуқий ислоҳотлар замирида демократик тамойиллар ва адолат мужассам

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбат

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилмоқда. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.

Шунингдек, ўтган даврда жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш борасидаги жазони тайинлаши 2007 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислоҳотларнинг бош мақсади — Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган, — дейди Б.Мустафоев. — Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ жараён замирида улкан инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили мужассам. Шу билан бирга Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўлиқ мос, Конституциямиз моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони давлатимизнинг бу борадаги сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб, инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

3-бет

ЎзХДП: сиёсий майдонда 16 йил

Биз сўл партиянинг электоратимиз

Қарийб етти йилдан буён Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзоман. Шифохонамизда 30 нафардан ортиқ ХДП аъзоси халқимиз соғлиғини сақлаш йўлида тиниб-тинчимай хизмат қилишмоқда.

Туман партия кенгаши ҳомийлигида бу ерда турли суҳбатлар, тадбирлар ўтказилади. Яқинда бошланғич партия ташкилоти ҳузурида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида сиёсий ўқув ташкил этилиб, Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасининг асосий йўналишлари чуқур ўрганилди. Шунинг билан бирга Халқ демократик партияси ташкил топганининг 16 йиллиги муносабати билан бош шифокоримиз Рўзимурод Ҳамроевнинг ҳаётий мисолларга бой суҳбатини тингладик.

Муассасамизда партиямизнинг хайрихоҳлари жуда кўп. ЎзҲДПнинг соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳа ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш каби дастурий мақсадлари ҳамкасбларим томонидан ҳар доим қизғин қўллаб-қувватланади. Чунки биз сўл сиёсий партиянинг электорати сифатида унинг ғоялари ҳаётда ўз ифодасини топишидан манфаатдормиз.

Ўша кунги тадбиримиздан сўнг яна 7 нафар шифокор ва ҳамшира ХДПга аъзо бўлишга аҳд қилганликларини билдиришди. Бу партиямиз ғояларини тарғиб қилиш борасидаги ишларимиз ўз самарасини бераётгани ва партиямизнинг электорат ўртасидаги обрў-эътибори ошиб бораётганини кўрсатади.

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида бошқа сиёсий партиялар қаторида Халқ демократик партиясининг ҳам ўз номзоди билан иштирок этиши мамлакатимизда демократиянинг янада чуқурлашуви, халқимиз сиёсий онги ва маданиятининг ошишига хизмат қилади. Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари сайловлар жараёнида партиямиз Дастури, унинг ўзи таянадиган қатлам манфаатларидан келиб чиқадиган ижтимоий устувор йўналишларини барча тиббиёт ходимлари ўртасида янада кенгроқ тарғиб қилиш бўйича режалар ишлаб чиқаяпмиз.

Лола МУҲАММАДИЕВА,
Қарши туман марказий шифохонасидаги ХДП бошланғич ташкилоти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоят ижтимоий таъминот органларида 658 нафар уруш ногирони ва уларга тенглаштирилганлар, 124 нафар Афғон уруши ногирони, 180 нафар Чернобиль АЭСда юз берган ҳалокат ногирони, 682 нафар ёлғиз ва қаровчисиз қолган ногирон ҳисобда туради. Вилоятда Ногиронлар жамияти, «Арнасой қадрияти» шўъба корхонаси, Байналмилалчи жангчилар ассоциацияси, карсоқов ва кўзи ожизлар жамияти иш олиб бормоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» вилоят дастурига мувофиқ 2007 йил мобайнида сарфиёти 19 миллиард сўмликдан ортиқ тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Жиззах шаҳридаги биринчи оилавий поликлиника ва «Меҳрибонлик уйи», Зомин тумани марказий касалхонаси ва «Мурувват уйи», кар-соқов ва қулоғи оғир болаларнинг вилоят мактабинтернатлари, Мирзачўл туманидаги қозоқ мусиқали драма театри бинолари таъмирланди ҳамда техник воситалар, ускуналар, мебеллар билан жиҳозланди. «Саломатлик-2» дастурини амалга ошириш доирасида 83 та қишлоқ врачлик пунктларига тиббиёт ускуналари ва мебеллар ажратилди. Ногиронларни касбий қайта тиклаш ва ишга жойлаштириш юзасидан собитқадам иш олиб борилмоқда, уларга ногиронлар аравачалари, эшитиш аппаратлари, компьютерлар, доридармонлар ажратилди, шунингдек, бепул тиш протезлари ва кўз қорачиқлари қўйиб берилди.

Ногиронликнинг олдини олиш, тиббий, профессионал ва ижтимоий тиклаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятда ногиронлар сони камайиб бормоқда. Чунончи, 2006 йилда 29924 нафар ногирон ҳисобда турган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 29548 нафарни ташкил этди.

Шу билан бирга қўшма мажлис иштирокчилари «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ишларини изчиллик билан давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Масалани биргаликда муҳокама қилиш асносида сенаторлар, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг депутатлари, мутахассислар ва ижтимоий соҳа ходимлари томонидан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутатлари, мутахассислар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Жиззах вилоят ногиронлар жамиятлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

...Соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Эртага — Тиббиёт ходимлари куни

Эл соғлиғи — жамиятнинг бебаҳо бойлиги

Мамлакатимизда аҳоли сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг бош тамойилларидан ҳисобланади. Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида тарихий ўзгаришларга эришилмоқда.

1996 йилнинг 29 августида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, 1998 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Ўтган ўн олти йил мобайнида Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бугун биз ана шу ислоҳотларнинг самараларини кўриб турибмиз. Биргина мисол. Собиқ шўролар даврида қишлоқ жойларда номига фаолият кўрсатиб келган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий ташхис асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари иш бошлади. Бу тиббиёт тизимида олиб борилган изчил ислоҳотларнинг илк мевалари бўлди.

1999-2004 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилиб, муваффақиятли амалга оширилди. 2000-2006 йиллар мобайнида тиббий олий ўқув юртларида 9182 нафар умумий амалиёт малакасига эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрланди.

Ҳукуматимизнинг оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари, ҳамда «Она ва бола скрининги» давлат тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари, шунингдек, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги Қарорлари бу борадаги ютуқларга асос бўлди.

Ҳозирги кунда Республикамизда болаларга 3753 нафар умумий амалиёт шифокори, 9793 нафар педиатр, 1444 неонатолог, 613 нафар жарроҳ, 497 нафар болалар инфекциячиси ҳамда бошқа ихтисослашган соҳалар шифокорлари тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мамлакатда ҳар 10 минг кишига 10,89 педиатр, 26,84 неонатолог тўғри келади.

Республикамизда жорий йилнинг ўтган олти ойида фертил-туғиш ёшидаги аёлларнинг 82,7 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 67,5 фоизида турли экстрагентал касалликлар аниқланди. Уларнинг 64,0 фоизи амбулатор ва шифохона шароитларида соғломлаштирилди.

Шунингдек, республика ва вилоят Скрининг марказларида 44767 нафар ҳомиладор аёллар перинатал скрининг текширувларидан ўтказилди ҳамда 671 нафарида ҳомила туғма аномалиялари аниқланди. Фенилкетонурия билан касалланган 306 нафар болага шифобахш овқат маҳсулотлари, йод препаратлари тарқатилди.

Тиббиёт тизимида даволаш сифат кўрсаткичларининг ошиши кўп жиҳатдан муассасаларнинг моддий-техника базасига боғлиқ. Бинобарин, «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳалари амалга оширилаётган 6 та вилоятда МТШ лабораториялари 60,8 минг АҚШ доллари миқдорида зарур мебеллар билан жиҳозланди. Шуни ҳам айтиш керакки, вилоят ва туман туғуруқ муассасаларини жиҳозлаш учун жами 8,4 миллион АҚШ доллари, қон қуйиш станциялари учун 6,1 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар харидига тендер эълон қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари касбини улуғлаш, меҳнатини қадрлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йил 1 декабрда «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилинди. Сўнгги 2-3 йилда тизим ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд ошди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Қонун қабул қилиниши, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилиши шифокорлик касби нуфузини янада оширди. Икки нафар тиббиёт ходими — академик Малика Абдуллахўжаева ва Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачи Раҳмон Муҳаммадиевлар давлатимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Республикамизда аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил топиши тиббиётимиз тарихида туб бурилиш бўлди. Бугун шошилинч ёрдам кўрсатиш бўйича яратилган ягона тизимнинг туман ва шаҳарларда халқаро стандартларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлими аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Бугун республикамиз тиббиётчилари эришаётган ютуқлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу ўринда дунёнинг манаман деган офтальмология муассасалари билан рақобатлаша оладиган Кўз микрохирургияси илмий марказининг иш бошлаши фикримизнинг далилидир. Тиббий ислоҳотлар меваси бўлмиш жарроҳлик, кардиология, урология республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари айни пайтда беморларга сифатли хизмат кўрсатиб келаяпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида бугунги кунда хусусий сектор ҳам тез ривожланиб бораяпти. Маълумки, бу жараён фаолият кўрсатаётган тиббий муассасаларни хусусийлаштириш ҳамда янги хусусий тиббий муассасалар ташкил этиш орқали амалга оширилмоқда. 1994 йилдан бери республикамизда 1075 та тиббиёт муассасаси хусусийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонига кўра соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат тармоғини ривожлантириш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Соғлиқни сақлаш объектлари мулкдорларга узоқ муддатга ижарага берилиб, кейинчалик хусусий мулк сифатида сотиб олиш тартибида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тиббиёт муассасалари ташкил топгандан бошлаб 2 йилгача барча турдаги солиқлардан озод қилинди. Шунингдек, «Ўзтадбиркорбанк»да хусусий тиббиёт муассасаларини молиялаштириш учун кредит линиялари очилди.

Бугун тиббиётчиларимиз том маънода тиб илмининг отаси Ибн Сино ворислари эканлигини дунёга намойиш этмоқда. Зеро, бир гуруҳ беназир истеъдодли жарроҳларимиз дунёнинг саноқли давлатларидагина амалга оширилган Сиам эгизакларини жарроҳлик йўли билан даволашдек ўта мураккаб операцияни уддаладилар.

Жорий йилнинг 20 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар юртдошларимизга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, одамларнинг турмуш тарзини кўтариш имконини бермоқда. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 70 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди.

Ислоҳотлар туфайли ташкил топган ихтисослаштирилган марказлар ҳаёт синовларидан яхши ўтди. Яқин келажакда тиббиёт тизимида Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология, Эндокринология каби ихтисослаштирилган илмий марказлар ташкил топади.

Эл-юрт соғлиғи — жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Тиббиёт ходимлари ана шу бойликни асраш ишларига муносиб ҳисса қўшиб, энг масъулиятли, савобли ва шарафли вазифаларни бажариб, одамлар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келишмоқда.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фракция фаолияти

Ҳаракатдаги автомобиль салонида

телевизор, видеомагнитафон каби ҳайдовчи эътиборини чалғитадиган воситалардан фойдаланиш жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Ушбу масала бўйича Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Муҳаббат Абдуллаева маъруза қилди. У мазкур қонун лойиҳаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Ўзбекистон 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилгач, бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни зиммасига олди. Конституциямизнинг 65-моддасига мувофиқ, «фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби, фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». Умуман, Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалдаги қонунчилиги «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга мувофиқ такомиллашиб бораяпти. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Оила кодекслари бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар билан мустаҳкамланган ва кенгайтирилган. Шунга қарамасдан бола ҳуқуқлари, уларнинг ҳимояси бўйича давлат кафолатини таъминловчи, янада мустаҳкамловчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш зарурати юзага келди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фракция аъзолари, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров маъруза қилди.

Мазкур лойиҳа йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларининг самарасини ошириш, бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳозирда амалиётда кенг тарқалаётган транспорт воситаси салонида теле-видеомагнитафонлардан йўлдаги ҳаракат жараёнида фойдаланиш ҳолатлари ҳайдовчилар эътиборини чалғитишга сабаб бўлмоқда. Бу эса оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг вужудга келишига олиб келаяпти.

1968 йилдаги «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги Конвенция (Вена)да ва миллий қонунчиликда транспорт воситалари салонида ҳайдовчининг диққатини чалғитадиган, зарур бўлмаган буюмларнинг ўрнатилишини тақиқлаш мумкинлиги белгиланган. Ўзбекистон ушбу ҳужжатни ратификация қилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши салбий ҳолатларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтиришга хизмат қилади. Унда Кодексни 128^2 — модда билан тўлдириш назарда тутилаяпти.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида соҳани малакали ўрта бўғин кадрлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Малакали ҳамширалар тайёрлаётган илм масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаяпти.

Пойтахтимиздаги 1-Республика тиббиёт коллежи ана шундай билим даргоҳларидан саналади. Бу ерда жаҳон андазаларига мос моддий-техника базаси, ўқув тизими яратилган. Мутахассислик ва умуммутахассислик фан хоналари, Японияниинг «JICA» агентлиги томонидан берилган тиббий техник воситалар билан тўлиқ таъминланган. Коллежда спорт мажмуи, ошхона, маросимлар зали, кимё, физика, фармакология лабораториялари, бешта компьютер, иккита лингафон хонаси мавжуд.

Ахборот ресурс маркази замон талаблари даражасида жиҳозланган. Коллеж ўқитувчилари томонидан дарсликлар, қўлланмалар ва услубий тавсияномалар яратиляпти.

Суратда: *ўқитувчи Муниса Собирова бир гуруҳ шогирдлари билан.*

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Гўзаллик яратаётган марказ

Бир куни фарғоналик дугонам қизиқ воқеани ҳикоя қилиб қолди: «Қулоғим катталигидан уялиб рўмол ўраб юрардим. Бошқа дугоналарим сочларини тўрмаклаб, қулоқларига зирак тақиб, ясаниб юришса ҳавасим келарди. Пойтахтнинг Чилонзор туманида бир ярим йилдан бери фаолият юритаётган «FENIKS» тиббиёт пластик жарроҳлик хусусий маркази борлигини эшитиб, унга ёрдам сўраб бордим. Биласизми, назаримда мўъжиза рўй берди, операциядан сўнг ойнага қараб, кўзларимга ишонмадим...»

Дугонамнинг сўзлари сабаб бўлиб, бу шифохона фаолиятига қизиқиб қолдим.

— Мақсадимиз эл саломатлигини муҳофазалаш ва гўзаликка гўзалик қўшиш деди, — марказ директори Бахтиёр Бобоназаров. — Бир пайтлар қизми, йигитми, ўзининг ташқи кўринишида нуқсонлари бўлса, нима қилишини билмай қимтиниб юрарди. Ҳозир эса бемалол стилист ёки косметологга мурожаат қилиши мумкин. Агар шундан кейин ҳам кўнгли хотиржам бўлмаса, хирургнинг скальпелига учрашса дардига даво топади.

Доктор Бахтиёр Бобоназаров Россиядаги А.В.Вишневский номидаги пластик операция институтини битирган. Халқаро хирургик косметология конгрессининг иштирокчиси, француз косметология жамияти дипломи соҳиби. У ўз фаолиятини 1988 йил шаҳардаги куйганлар даволанадиган марказда бошлаган. 1992 йилда Россиянинг А.В.Вишневский номли институти марказида малакасини ошириб келган. Россиянинг бошқа марказларида ишлаган. Пластик ва эстетик жарроҳлик халқаро конгрессининг 3 карра иштирокчиси 2003 йилда эса Туркия (Истанбул)да шартнома асосида ишлаб келди. Бугун у ўз соҳасининг етук мутахассиси.

Марказда юқори малакали мутахассислар мижозларнинг талаб ва истакларига қараб маслаҳатлар беришади. Жарроҳлик нархлари мижозлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Маъқул келгач эса АҚШ, Германия, Исроил, Испания сингари мамлакатлардан келтирилган энг замонавий аппаратлар ёрдамида операция қилинади.

— Асосан қандай операциялар амалга оширилади?

— Юз, бўйин, паст ва баланд қовоқлардаги ажинларни кетказиш, кўз шаклини ўзгартириш («сангапури»), бурун, қулоқ, лаблар шаклини ўзгартириш, бел, қорин, кўкрак безлари шаклини ўзгартириш, терининг чуқур шлифовкаси, варикоз — қон томирларининг кенгайиши, ҳар хил ўсмаларни йўқ қилиш.

Маълумки, теридаги ҳар хил нуқсон руҳиятга ёмон таъсир кўрсатади ва кишида тушкун кайфият юзага келади. Бу жарроҳликдан кейин инсон бутунлай бошқача кўринишга эга бўлади.

— Кимлар кўпроқ ёрдам сўраб келади?

— Мижозларимизни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи тоифа актриса ва телесухандонлар. Иккинчи тоифа эса ўз ташқи қиёфасидан кўнгли тўлмаганлар. Учинчи тоифадаги мижозларимиз жуда «хавфли» бўлиб, улар ўз қиёфаларидан умуман норози, инжиқ мижозлардир. Улар билан ҳатто руҳшунослар орқали мулоқотда бўлишимизга тўғри келади.

— Шахсий архивингиздаги суратларни кўрдим. Ҳатто анча хунук қиёфадан ҳам гўзал чеҳра ярата оларкансизлар. Операциядан олдин мижоз билан қандай чеҳра бўлишини келишиб оласизларми?

— Бўлажак мижоз ўзининг суратини келтиради. Мен интуиция ва рассомлик маҳорати билан уни чизиб, тўғрилайман.

— Мижозлар орасида ўзларининг аввалги қиёфаларини қайтаришни талаб қилиб келганлари ҳам бўлганми?

— Бундай ҳолатга қарши суғуртага эгамиз. Унга қайта-қайта тушунтирилади, сўнг ёзма равишда ариза олинади.

— Кўпроқ аёллар нимадан норози бўлиб келишади?

— Биринчи навбатда юздаги ажинлар, бўйиндаги ва кўз остидаги ажинлар, иккинчи навбатда қоринни ихчамлаш ва сут безлари муаммолари ҳамда тез-тез кўз формасини ўзгартириш («сангапури») илтимоси билан келишади.

— Операцияда олтин ип қўлланиши ҳақида бир ўқиб қолган эдим...

— Юз териси остига бундай ипдан фойдаланишга мен қаршиман. Иплар ростдан ҳам жуда майин ва олтиндан. Лекин мен ундан фойдаланишни маслаҳат бермайман.

— Нега?

— Чунки физиотерапия муолажалари терида металлнинг мавжудлигига қарши чиқади.

— Ўз қиёфасида муаммолар бўлган кишиларга қандай таклифларингиз бор?

— Тушкунликка тушишмасин. Ҳар хил гап-сўзларга ишонмай бизга мурожаат қилишсин. Бугунги тиббиёт бу муаммоларни бемалол ҳал этади.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

Ҳуқуқий ислоҳотлар замирида демократик тамойиллар ва адолат мужассам

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланаётгани улкан тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун келгуси йилнинг биринчи январидан кучга киради. Жамоатчиликни бу борада амалга оширилаётган ишлар қизиқтириши табиий.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мана шундай тарихий воқеалар ҳақида фикр юритганда мустақилликнинг қадр-қиммати янада яққолроқ намоён бўлади. Нега деганда, фақат истиқлол шарофати билан юртимизда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилди. Жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиз муҳитини соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўлим жазосини бекор қилишга оид жараён юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир амалий самараси эканини эътироф этиш лозим. Чунки халқаро миқёсда ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, аммо инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг узвий бир қисми саналган ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ўта масъулиятли иш. Бунинг учун жамият ва фуқароларни мазкур масалага ҳар томонлама тайёрлаш ҳамда бошқа кўплаб зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда ўлим жазосини қўллашнинг босқичма-босқич камайтирилиши ва ниҳоят, уни қўллашдан бутунлай воз кечилиши суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қилинган ва қилинаётган ҳаракатларнинг моҳиятини тушунтиришни, жиноий жазоларни янада либераллаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратини фуқароларимиз онгу шуурига сингдиришни тақозо этар эди. Тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар, жумладан, судлар томонидан Президентимизнинг Фармонида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида ушбу жараённинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг сенаторлар томонидан маъқулланган бу фикрнинг исботидир.

Айтиш керакки, ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг қайд этилган фармони ижросини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир. Қонунчилигимизга жиноий жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиб, унинг умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилишини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 29 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши бу борада амалга оширилган ишлар самарадорлиги таъминланишида муҳим омил бўлди. Шу асосда ўлим жазосини бекор қилишга оид ислоҳотлар моҳияти аҳолига атрофлича тушунтирилгани ва олиб борилган кенг қамровли тадбирлар натижасида бу борада меъёрий ҳужжатларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши учун замин яратилди.

Қисқаси, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

— 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлардан бири бўлди. Албатта, бундай катта тадбир муайян тайёргарликни тақозо этади. Айтмоқчиманки, судларимиз бунга тайёрми, тегишли тайёргарлик ишлари ниҳоясига етдими?

— Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, бу муҳим сиёсий тадбир суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир масъул ходимдан тегишли тайёргарликни талаб қилади. Шу маънода бевосита тайёргарлик ишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (20), «Судлар тўғрисида»ги (2), «Прокуратура тўғрисида»ги (1) ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Айниқса, бу борада хорижий тажриба ўрганиб, чуқур таҳлил қилинди, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўтказишда кадрларни тегишли тартибда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирлари ўтказилди. Бундай ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қабул қилинган қонунга мувофиқ, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

2007 йил июль ойида барча вилоятлар марказларида кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида ушбу масала бўйича кенгайтирилган ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Ушбу йиғилишлар давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига оид қонун нормаларини қўллаш масаласида йиғилиш иштирокчилари томонидан 120 га яқин савол, таклиф ва фикр-мулоҳаза билдирилди.

Масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан мазкур қонунни тўғри қўллашни таъминлаш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди.

Таъкидлаш лозимки, ишчи гуруҳи томонидан мазкур масалага оид тайёргарлик ишлари тўрт ойдан кўпроқ вақт давомида олиб борилди. Шу муддат ичида Олий суднинг жорий йилнинг 14 ноябрида бўлажак Пленуми қарори лойиҳаси бир неча вариантда ишлаб чиқилиб, олимлар ва амалиётчиларга, шунингдек, тегишли давлат идораларига юборилиб, зарур таклифлар, фикр ва мулоҳазалар олинди.

Бу масалада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирлиги, Миллий Хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти ходимлари томонидан кўплаб амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қайд этилган тадбирларнинг бари давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

— Судьяларнинг ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларининг ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, биринчи навбатда амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари белгиланган режа асосида ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича судлар судьяларини бу муҳим масалага тайёрлаш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар кўрилди. Жумладан, Республика юристлар малакасини ошириш марказида қамоққа олишга санкция бериш масалалари юзасидан жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари судьяларини ўқитишнинг махсус дастури Олий суд раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқилди. Ўқув дастури фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва сақлашга оид халқаро нормаларни ҳам ўз ичига олган. Тингловчилар Франция, Германия ва МДҲ давлатларидаги ушбу масалага тегишли амалиёт билан ҳам танишдилар. Шунингдек, улар воя-га етмаганларга, хотин-қизларга, фуқароларнинг ўзини ҳимоя қила олмайдиган баъзи тоифаларига нисбатан қамоққа олишга санкция бериш билан боғлиқ ишларнинг хусусиятларини ҳам ўрганди.

Ўқитиш нафақат илмий-назарий асосда, балки Тошкент шаҳар прокуратураси ва суд органларида амалий машғулотлар ўтказиш орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Қамоққа олишга санкция бериши лозим бўлган жиноят ишлари бўйича судларнинг судьялари 2007 йилнинг бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика юристлар малакасини ошириш марказида тегишли дастур асосида таҳсил олмоқда.

— Бўритош Мустафоевич, судларнинг бугунги фаолияти, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало шуни айтиш керакки, бугунги судлар фаолиятида мамлакатимизда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аниқ самарасини кўриш мумкин.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро судларининг 2007 йилнинг 9 ойидаги фаолияти натижалари бўйича статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан жорий йилда 81 минг 800 дан кўпроқ иш кўрилган. 2006 йилнинг 9 ойи давомида туманлараро суднинг ҳар бир судьяси ўртача 280 иш кўрган бўлса, 2007 йилнинг 9 ойи натижалари бўйича ушбу кўрсаткич 314 тани ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган фуқаролик ишларининг деярли 10 фоизини тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ишлар ташкил этади. Жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро судлари бундай тоифадаги 328 ишни кўриб чиққан. Шулардан 324 та даъво қаноатлантирилиб, жами 54 миллион 918 минг сўмлик моддий зарар, 7 миллион 45 минг сўмлик маънавий зарар ундирилган.

Айтиш керакки, жорий йилнинг 9 ойи давомида коммунал ва эксплуатацион хизматлар бўйича кўрилган ишлар сони деярли 297 мингни ташкил этди. Ушбу ишлар бўйича судларнинг ҳал қилув қарори билан ундирилиши белгиланган маблағ 45 миллиард 660 миллион сўмдан ортиқдир.

Суд тизими ходимлари ҳуқуқий тарғибот масалалари билан ҳам фаол шуғулланмоқдалар. Шу йилнинг ўтган даврида Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари судья ва ходимлари томонидан корхона ва ташкилотларда, аҳоли ўртасида, ўқув муассасаларида 1,5 мингдан ортиқ лекция, суҳбат, учрашув ўтказилди, радио ва телевидениеда 168 марта чиқиш қилиниб, даврий нашрларда 285 мақола чоп этилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари кенг қўлланилмоқда, 2007 йилнинг 9 ойи давомида умумий судланганларнинг 33,4 фоизига ахлоқ тузатиш иши, 18,2 фоизига - жарима, 11,3 фоизига - шартли равишда ҳукм этиш, 8,5 фоизига муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазолари тайинланган. Либерализация тўғрисидаги қонун амалга киритилган кундан 2006 йилнинг 31 декабригача қадар жиноят оқибатида етказилган 33 миллиард 21 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги туфайли 8 минг 833 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 9,9 миллиард сўмликдан ортиқ моддий зарарни қоплаган 874 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ярашув институти амалиётга жорий этилган кундан 2006 йилнинг 31 декабригача қадар 54 минг 323 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, жорий йилнинг ўзида 7 минг 748 нафар шахс ярашув институти қўлланилиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон манфаатларини, энг аввало, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

ЎзА мухбири Қ.ОЧИЛОВ суҳбатлашди

Парламент сайловлари февралга кўчирилди

Покистонда парламент сайловлари келгуси йил февралда ўтказилиши ҳақида мамлакат бош прокурори Малик Муҳаммад Қайюм маълум қилди. Шунингдек, унинг айтишича, шу кунларда амалда бўлган фавқулодда ҳолат яна икки ойлардан кейин бекор қилиниши мумкин.



Маълумки, парламент сайловлари 2008 йил январга белгиланган эди. Бироқ 8 йил қувғинда яшаган мамлакатнинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто ўз ватанига қайтгач, республикада вазият ўзгарди, яъни унинг тарафдорлари президент Парвез Мушаррафнинг армия қўмондонлиги лавозимидан воз кечишини талаб қилиши натижасида мамлакатда аҳвол кескинлаша бошлади. Турли террорчилик актлари содир этилиши эҳтимоли кучайди. Шунинг учун 3 ноябрь куни республикада фавқулодда ҳолат жорий этилди. Шу муносабат билан парламент сайловлари муддати кечиктирилиши мумкинлиги ҳақида мамлакат маъмурияти огоҳлантирган эди.

Бхутто бошчилигидаги мухолифат 13 ноябрь куни норозилик акциясини бошламоқчи. Республика маъмурияти эса мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилгани боис, намойишлар ўтказиш мумкин эмаслигини уқтирмоқда, дейилади «AFP» АА хабарида.

493 каратли топилдиқ

Лесотода 493 каратли «Летсень мероси» деб номланган олмос топилди. Мамлакат ҳукумати бу улкан олмосни Антверпендаги (Бельгиядаги жаҳон биржаси) Халқаро олмос марказида сотувга қўйиш ниятида эканини маълум қилди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, — дейилади ИТАР_ТАСС хабарида, — Летсень шахтасида бундан аввал топилган 603 каратли олмос 12,4 миллион АҚШ долларига сотилган экан.

6 миллион долларга сотилди

Лондоннинг «Сотбис» кимошди савдо уйида XVIII асрга оид Хитой кўзаси қарийб уч миллион фунт стерлингга (олти миллион АҚШ долларига тенг) сотилди.

Хабарларга қараганда, кўза ўн йил аввал ўн минг фунт стерлингга баҳоланган экан. Сўнгги йилларда хитойлик усталар яратган бундай санъат асарларининг баҳоси жадал ошиб бормоқда.

Жундан олмос олинади

Токионинг «Помпорис» ҳайвонот дўкони қошида ит ёки мушук жунидан олмос тайёрлашга ихтисослашган заргарлик устахонаси очилди.

Маълумотларда қайд этилишича, жун махсус технологиялар ёрдамида соф гранитга айлантирилади. Кейин эса юқори босим ва ҳарорат остида қизғиш, яшил ва сариқ рангдаги олмос ишлаб чиқарилади. Битта қимматбаҳо тош ясаш учун уч ой вақт кетар экан. Бу ерда ишлаб чиқарилган 0,03 каратли кулон 325 минг иенга (2,8 минг АҚШ доллари) баҳоланди.

Мактаблар ёпилди

Флоридада ўғирлик содир этгани учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Майкл Мацца суд залидан қамоқхонага машинада олиб кетилаётган пайтда, қуролланган соқчилардан бирини ўлдириб, қуролини олиб қочиб кетди.

У белида қаттиқ оғриқ пайдо бўлганини баҳона қилиб, ногиронлик аравачасида олиб юришларини талаб этган. Ногиронлик аравачасидаги маҳбусни кўрган соқчилар андак бепарволикка йўл қўйган бўлишлари мумкин, дейишмоқда экспертлар.

Ҳозир қидирув эълон қилинган. Шу боис Potrero Beach туманидаги 19 та мактабда дарслар бекор қилиниб, ёпиб қўйилди.



Тропик ўрмонлар сақлаб қолиниши лозим

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши, тропик ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши ва ноқонуний ов ер юзидаги маймунларнинг учдан бир қисми қирилиб кетишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг 394 тури мавжуд. Маймунларнинг орангутан, горилла каби 114 зоти йўқолиб бораётир.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг сут эмизувчи ҳайвонларни ҳимоя қилиш гуруҳи раҳбари Рассел Миттермайернинг айтишича, муаммонинг олдини олиш учун аввало тропик ўрмонларни сақлаб қолиш лозим.

Дераза бепул ўрнатилади

Москва шаҳри маъмурияти қайси уйнинг деразаси катта кўчага қараган бўлса, оилани шовқиндан сақлаш учун пластик деразаларни бепул ўрнатиб беришга қарор қилди.

Москва шаҳри мэрининг ўринбосари, шаҳар хўжалиги комплекси раҳбари Петр Бирюков «Новости» АА мухбирига берган интервьюсида айтишича, кўп қаватли уйларнинг капитал таъмири даврида катта кўчага қараган уйларнинг деразалари пластик деразаларга алмаштирилади. Бу юмушлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарнинг иқтисодий ривожланиш комплекси раҳбари Юрий Рослякнинг маълум қилишича, 1991 йилгача қурилган уйлар 2014 йилгача тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилади.

Текинга тарқатилади

АҚШнинг Мэн штати мактабларида 6-, 7-, 8-синф ўқувчи қизлари ҳомиладор бўлишга қарши таббий дори воситаси билан таъминланадиган бўлди. Штатдаги «King Middle School» мактаби ушбу тадбирни биринчи қўллаган таълим муассасасидир. Бу тадбир Ижтимоий ҳимоя ва соқлиқни сақлаш департаменти дастурида назарда тутилган.

Мактаблар кенгаши томонидан эса у маъқулланган. Эндиликда 11-14 ёшли қизларга мактаб тиббий маркази шифокори тавсиясига кўра, дори воситаси тарқатилади.

Айрим танқидчиларнинг фикрича, болаларнинг жинсий ҳаётини назорат қилиш мактаблар маъмуриятлари зиммасидаги вазифа эмас, балки бунга ота-оналар масъулдирлар.

Вирус семиртиради

Семириш сабабини фақат қувватли овқат истеъмол қилишдан ёки кам ҳаракатлиликдан излаш мантиққа тўғри келмайди. Бунда семиртирувчи вируслар асосий роль ўйнайди, дейди АҚШдаги семизлик муаммолари бўйича илмий-тадқиқот маркази директори Ричард Аткинсон.

«Die Welt» хабарига кўра, бугунги кунгача у жониворларда семиртирувчи 5 та вирус, одамларда эса учта вирус борлигини аниқлаган. Лаборатория тадқиқотлари ва олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, аденовируслар туркумига кирувчи бу вируслар ёғ тўқималарида модда алмашинувига кучли таъсир этади ва семириш ҳолатини келтириб чиқаради.

Вирусолог Ричард Аткинсон одамларни семизлик муаммосидан халос этиш учун семиришга қарши вакцина яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ажаб эмас яқин кунларда бундай янгилик яратилганлигига гувоҳ бўлсак.

Ўзини ҳам отиб ташлади

Финляндиянинг Йокела ўқув марказида 18 ёшли лицей ўқувчиси етти талаба ва таълим муассасаси директорини отиб ташлади, ўнга яқин ўқувчига турли даражада тан жароҳати етказди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, ўз қилмишидан даҳшатга тушган қотил жиноятни содир этган заҳоти ўзини ҳам отиб ўлдирган.

Айни пайтда полиция ўсмирни бу мудҳиш жиноятга нима мажбур қилгани ҳақида бош қотирмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Республика аёлларининг жамиятдаги нуфузини ошириш, юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида

«БАХТИМИЗ ҚОМУСИ»

номли кўрик-танлов эълон қилади.

Бунда мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаёти, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хотин-қизлар ҳаётида қандай роль ўйнаётганлиги, «Конституция аёллар тақдирида» мавзуларида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган «Энг яхши мақола», «Энг яхши телекўрсатув», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши фотосурат»лар тақдим этилади.

Кўрик-танловнинг 2007 йил 7 ноябрдан 7 декабрга қадар туман босқичлари, 2007 йил 7 ноябрдан 2008 йил 20 февралгача вилоят босқичлари, 2007 йил 7 ноябрдан 2008 йил 8 мартгача республика босқичлари ўтказилади.

Ғолиблар туманларда 8 декабрь — Конституция байрамида, вилоят ва республика босқичи ғолиблари 8 март хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел/факс: (998-71). 139-40-66, 139-40-12, 144-06-15, 144-16-17.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси

UZBEKISTAN airways

2007 йилнинг 1 ноябридан 31 декабрига қадар оғирлиги 500 кг дан ортиқ бўлган юкларни пасайтирилган тариф бўйича ташиш юзасидан акция ўтказади.

Акция «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг фақат Тошкентдан Европанинг

Франкфурт, Париж, Рим, Милан, Лондон, Афина

шаҳарларига борадиган қатновларида ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: (99871) 140 - 28 - 20
Экспорт юкларни бронлаш бўлими: (99871) 140 - 28 - 25
Маълумотлар бўлими: (99871) 140 - 28 - 26
E-mail: tasffhy@airways.uz
www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

«POYTAXT AUKSION»

давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 11,14,18,21,25,28, декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Ўзбекистон Республикаси Давлат акциядорлик-тижорат «Асака» банкнинг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 639 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси ***бошланғич нархи — 3 500 000 сўм билан қўйилади.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваройннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси «Ўзбекистон овози» газетасининг 1 ноябрь сонида берилган эълонда кўрсатилган Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» мавзесидаги 2 та ер участкасининг сатҳи 0,33 гектар ўрнига 0,033 гектар деб тузатиб ўқилишини маълум қилади.

Телефон: 133-02-49.

Қадрият



Ушоғини унутиб қўйдик...ми?

«Ноннинг ушоғи ҳам нон» деган нақл бор. Болаликдан қулоғимизга сингган бу матални бизга шўро давлатининг уруш ва урушдан кейинги қаҳатчилик, очлик замонларини ўз бошидан кечирган отабоболаримиз аниқ мисоллар билан айтиб, қулоққонди қилишган. Ҳозирги авлод — мустақиллик замонаси ёшлари бу матални эшитишмаган, деб бўлмайди. Эшитишган бўлишса-да, тўкинлик даврида қандайдир ўтмишдан хотира сўзлаш кимга зарур. Гўё у ўз тарихий вазифасини ўтаб бўлгандек.

Аслида, бой, бой эмас, тежаган бой, дейдилар.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги узоқ йиллик боғланишлар, айниқса, таъминот тизимининг барбод бўлиши бир муддат ун танқислигини келтириб чиқаргани сир эмас. Ўша вақтда жўхори унидан тайёрланган зоғоралар воҳада роса русум бўлган. Ҳазорасп бозорида кунда тоғора-тоғора зоғора сотиб, машина олган уддабуронларни биламан.

Юртбошимизнинг дон мустақиллиги сиёсати ўлароқ бир йил ичида бу танқисликка чек қўйилди. Деҳқонлар боболаридан мерос буғдой экиш, ундириш ва мўл ҳосил етиштириш ҳадисини дарҳол олишди. Айниқса, қўшимча томорқа берилиши воҳа аҳли учун ўта қулайлик яратди. Бугун воҳанинг қишлоқда яшовчи аксар хонадонлари қўшимча томорқасида буғдойдан мўл ҳосил етиштирмоқда. Йил давомида дўкондан ун харид қилмайдиган хонадонлар ҳам кўп.

Донга омбори тўлди, нон сероб. Афсуски...

Аввалларидек ҳар бир ошхона, емакхонада «Нонни исроф қилманг!» деган ёзувлар бўларди. Бу шунчаки шиор эмасди. Ошхоналарда нон ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб бериларди. Яъни, овқат олган одам нонни ўзига керагича оларди. Столда нон бурдалари қолиб кетмасди.

Бу яхши тежамкорлик, нонга ҳурмат белгиси эди.

Ҳозир-чи?! Аксар овқатланиш жойларида ёш-ёш ходимлар хизмат кўрсатишади. Улар ҳали хўранда овқат буюрмасидан олдин дастурхонга чой ва бир неча иссиқ нонни келтириб қўйишади, шундан сўнг буюртма олинади. Бу ерда буюртма олинаётганда нечта нон деб сўралмайди. Стол эгаллаган хўранда бир киши бўлса-да, бериладиган нон миқдори кўп. Айниқса, кўпчилик ошхоналарда миллий нонлар ёпилади. Ҳар бири ярим қулоч келадиган Хоразм нонлари дастурхонга тортилади. Бир кишига ҳам шу, икки-уч кишига ҳам. Овқатланишга аҳд қилган шинаванда танишимиз бир ўзига бутун бир нон келтириб қўйилганига эътироз билдирмайди. Менга яримта (аслида чораги ҳам етади) нон етади, демайди. Нонни бурдалаб иштаҳа билан ейди. Ярмидан кўпроғи қолиб кетиши, исроф бўлиши билан иши йўқ. Буни айтсангиз, билағонлик қилади: «Нега яримта нон олай, ризқим бутун бўлсинда...»

Яна кабобпазларнинг сахийлигини айтинг. Бир дона кабоб буюрсангиз ҳам бутун нон билан келтиришади.

Урганч шаҳридаги бир қатор замонавий емакхоналарда гўштлик патир ёпиш, хўрандаларга «фирменний» деб тақдим қилиш русум бўлган. Нақд бир килоча келадиган гўштлик патир овқатга буюртма берилмасидан олдин дастурхонга тортилади. Кейин турли овқатлар... Тўғри, шу гўштлик патирни икки киши чой билан еса, бемалол қорни тўйиши мумкин. Аммо, тепангизда таомлар рўйхатини кўз-кўз қилиб турган чиройли қиз олдида уялассиз, овқат буюрасиз. Иштаҳа билан ейилаётган гўштлик патир овқат тортилиши билан дастурхонда қолади...

Фермерлару деҳқонлар кузги буғдой экиш пайтида уруғлик тарқатаётган ташкилотлардан олиб келинаётган буғдой қопларнинг сифатсизлиги, бунинг устига баъзан транспорт воситаларининг яроқсизлигидан катта йўл чеккаларида сочилиб ётган буғдой доналарини кўплаб кўриш мумкин.

Қўшнимиз Абдулла бува шундоқ йўлда сочилиб ётган донни авайлаб териб олаётганига кўзим тушди. Менинг ажабланганимни кўриб: «Бу зангарлар шунча донни исроф қилишибди. Ахир бир вақтлар бир ҳовуч буғдой илинжида сочимиз оқарган...» — деб куюнди.

Абдулла бувани алами яна «ушоқ»ни ёдимга солди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тиббиёт: ислоҳотлар самараси

Саломатлик масъулияти

Жамиятимизда халқ сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш турларини кўпайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида республикамизда тиббиёт тизимининг босқичма-босқич ислоҳ қилиниши бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бинобарин, Самарқанд вилоятида ҳам бу соҳада салмоқли ижобий ўзгаришларга эришилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Неъмат ХЎЖАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Аввало, вилоят тиббий муассасалардаги ўзгаришлар ҳақида тўхталсангиз...

— Айни пайтда вилоятимиз аҳлига 582 та даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 88 таси шифохоналар, 5 та тиббий марказ, 2 та шаҳар, 14 та туман марказий шифохоналари, 13 та диспансер, 10 та қишлоқ участка ва 6 та туман шифохоналари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли 1991 йилда ўринли 150 та шифохоналар фаолияти қайта кўрилиб, уларнинг рентабелсиз ишлаётган 62 таси қисқартирилди. Аҳолининг тиббий-муассасада ўринлар билан таъминланиш кўрсаткичи ҳар ўн минг аҳолига нисбатан 115,4 дан 47,9 гача камайди. Ўринларнинг ўртача йиллик бандлиги 296,1 дан 316,0 гача ошди. Беморларнинг даволаниш муддатлари 14,9 кундан 10,5 кунгача камайди. Тиббиёт муассасаларидаги ўринларнинг бўш туриши 3,5 кундан 1,6 кунгача қисқаришига эришилди.

Вилоятда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида икки поғонали тиббий хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди. Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизими — поликлиникалар, қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари замон талаблари даражасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда вилоят бўйича фаолият кўрсатаётган 384 та қишлоқ врачлик пунктларининг 219 таси янги замонавий типда қурилган бўлиб, 165 таси капитал таъмирдан чиқарилган. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг беморларни қабул қилиш қуввати 1991 йилда 19519 киши бўлган бўлса, 2007 йилга келиб 34461 киши ўрнига кўпайди. Бу ҳар 10 минг аҳолига нисбатан 116,6 га ошганлигини кўрсатади.

— Вилоятда «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

— «Саломатлик-1» лойиҳасига асосан вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларидан 20 тасига 310 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва бошқа жиҳозлар олиб берилди. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 364 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 4 та оилавий поликлиникалар ўтган 2006 йилда 1235,0 миллион сўмлик, 2007 йилнинг биринчи ярмида 302 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги 3,6,8,12-сонли оилавий поликлиникаларга хизмат кўрсатувчи маслаҳат-ташхис марказининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди ва энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Жорий йилдан бошлаб Ургут, Тойлоқ, Самарқанд, Жомбой, Иштихон ва Оқдарё туманларидаги 174 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли жон бошига қараб янги молиялаштириш ва бошқариш тизимига ўтказилди.

— Вилоятда она ва болаликни муҳофазалаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Вилоятда «Она ва бола скрининг» маркази аҳоли орасида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда турли хил наслий касалликларни вақтида аниқлаб, даволаш-профилактика ишларини олиб боришда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу марказга Япония гранти асосида 14 минг АҚШ доллари миқдоридаги юқори даражали тиббиёт ускунаси DELPHIA аппарати, УТТ сканери ва замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

Вилоятда 19 та туғуруқ мажмуалари ишлаб турибди. Туғиш ёшидаги аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида вилоятда соҳа мутахассисларидан иборат 51 та кўчма бригадалар ташкил этилган. Мазкур бригадалар вилоятнинг узоқ қишлоқларида истиқомат қилаётган она ва бола саломатлигини муҳофазалашда тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда.

— Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди...

— Тўғри. Зеро, 330 ўринли Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида 22 та клиник бўлимлар фаолият кўрсатиб турибди. Марказда 8 та тиббиёт фанлари доктори, 19 та тиббиёт фанлари номзоди, 47 та олий тоифали врач фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ негизида СамТИнинг 10 та кафедраси ва 450 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилишади. 179 нафар врач Тошкент шаҳрида, 24 нафари турли чет давлатларда малака ошириб қайтишган.

Кези келганда, мутахассис сифатида, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сиҳат-саломатлик инсоннинг энг катта бойлиги. Узоқ умр кўриш, тан-сиҳатлик билан умргузаронлик қилиш, аслида, ҳар бир одамнинг ўз қўлида. Бунинг учун инсонда саломатлик масъулияти бўлса бас...

Суҳбатдош:
Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: республика Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори Комилжон Йўлдошев (ўнгдан иккинчи) шогирдлари билан.

Козимжон ЎЛМАСОВ олган сурат

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1049
7824 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda

Спорт

Финал босқичига йўлланма

Шу кунларда қитъамизнинг бир қатор давлатларида футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Мусобақанинг «Д» гуруҳи баҳсларига пойтахтимиз мезбонлик қилаётир. Ўзбекистон, Иордания, Яман, Непал ёшлар терма жамоалари иштирок этаётган мазкур гуруҳ ўйинлари бугун ниҳоясига етади.

Дастлабки турда Яман вакилларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз навбатдаги ўйинда ҳам мухлисларга қувонч улашди. Иорданиялик тенгдошларига қарши майдонга тушган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳужумкор ўйин намойиш этиб, рақиблари устидан ғалаба қозонди — 3:1. Тўпларни футболчиларимиздан Алишер Азизов (иккита) ҳамда Санъат Шиховлар киритишди.

Шундай қилиб, дастлабки икки ўйинда олти очко жамғарган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари муддатидан илгари келаси йили бўладиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Яман ёшлар терма жамоаси непалликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Бугун ўтказиладиган сўнгги турнинг Яман — Иордания терма жамоалари учрашуви кейинги босқичга бериладиган иккинчи йўлланма соҳибини аниқлаб беради. Ўйиндан ўйинга мухлислар меҳрини қозонаётган мамлакатимиз ёшлари эса непалликлар билан ўзаро куч синашади.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Жаҳон чемпионатига жўнаб кетишди

11-21 ноябрь кунлари Анталия (Туркия)да футбол бўйича ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади

Кейинги йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва оммавийлигини янада ошириш йўлида жуда кўплаб ибратли ишлар олиб бориляпти. Бунинг самараси ўлароқ, ҳамюртларимиз халқаро миқёсда ҳам муносиб натижаларни қайд этиб келишмоқда. Айниқса, ногиронлар ўртасида ўтказиб келинаётган жаҳон чемпионати ва қатор халқаро турнирларда Ўзбекистон терма жамоаси эришаётган ғалабалар таҳсинга лойиқ.

Яқинда футболчиларимизнинг Нижний Новгород (Россия) шаҳрида ўтказилган МДҲ кубоги халқаро турнирида муносиб иштирок этиб, бош совринга сазовор бўлганини хабар қилгандик. Россия, Молдова, Украина сингари ўнга яқин давлатлар вакиллари ўртасида ғалаба қозонган терма жамоамиз эртага бошланадиган жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этишга ахд қилишган.

Ушбу нуфузли мусобақада АҚШ, Россия, Украина, Нигерия, Либерия, Англия, Туркия, Бразилия сингари ўн бешга яқин мамлакат спортчилари қатнашиши кутилмоқда. Бунгача Европа ва уч карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси Туркиядан ҳам олтин медаллар билан қайтиш мақсадида мусобақага жиддий ҳозирлик кўрди. Жумладан, футболчиларимиз бош мураббий Анвар Исмоилов раҳбарлигида Ўзбекистон футбол федерацияси стадионида ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишди. Машғулотлар якунида мутахассислар ишончини оқлаган ўн икки нафар ўйинчи терма жамоа таркибидан жой олди. Булар дарвозабонлар — Зоҳидхўжа Тошхўжаев, Ҳикмат Расулов, ҳимоячилар — Қудрат Худойқулов, Нуриддин Турсунов, Ҳайдарали Турсунбоев, Муҳаммадазиз Арапов, ярим ҳимоячилар — Азиз Абдурахмонов, Азиз Азимов, Бахтиёр Ражабов, ҳужумчилар — Абдужамил Шукуров, Аъзамжон Исматов, Павел Сулаймоновлардир.

Тақдир синовларини енгиб, матонат ва жасорат кўрсатаётган футболчиларимизга жаҳон чемпионатида фақат омад тилаймиз.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *терма жамоа аъзоларидан бир гуруҳи.*

«Камолот шоҳмот тахтаси»

Бугунги кунда юртимиз маҳаллаларида ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда Марказий Кенгаш ташаббуси билан уюштирилган шоҳмот мусобақалари ҳам ёшларимизни спортга оммавий жалб қилиш борасида муҳим аҳамият касб этди.

«Камолот шоҳмот тахтаси» деб номланган мазкур мусобақанинг республика финал босқичи Жиззах шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилди. Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 56 нафар ёш шоҳмотчи ғолиблик учун дона сурди.

— Дастлабки уч (маҳалла, туман, вилоят) босқичда ўтказилган баҳсларда қатнашган иштирокчилар сони беш минг нафардан ошиб кетди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудири Тўхтасин Арслонов. — Бу эса мусобақа кўлами ва аҳамияти кенглиги, жойларда спортнинг ушбу турига қизиқиш катталигидан дарак бериб турибди. Минглаб иштирокчилар орасидан сараланган энг маҳоратли ёшлар финал босқичида дона суриш бахтига мушарраф бўлишди. Турнир давомида ёш шоҳмотчилар нафақат рақиб сифатида бир-бирлари билан баҳс юритдилар, балки Жиззах шаҳрида мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларга, музейларга саёҳат ҳамда турли учрашувлар уюштирдилар.

Мусобақалар икки (14-16, 17-18) ёш гуруҳида ташкил этилди. Якунда қизлар ўртасида Мавсума Ҳамроқулова (Самарқанд) ҳамда Ирода Боймуродова (Тошкент вилояти) бош совринга сазовор бўлди. Йигитлар ўртасида кечган қизғин баҳсларда эса пойтахт вилояти вакили Аристан Тастанов, самарқандлик Шукрулло Оромовларга тенг келадиган топилмади.

Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)